

**Ичимлик сувини етказиб бериш ва  
оқова сувларни қабул қилиб олиш юзасидан (юридик ташкилотлар учун)**

**№ 02/30 - Шартнома**

Биз, қуйида имзо чекувчилар, «Наманган сув таъминот» МЧЖ Чорток туман бўлими номидан Низом асосида иш олиб борувчи, директор (қуйида «Таъминотчи» деб юритилади) – Ж.Давлатов ва иккинчи томондан Чорток туман маданият бўлими номидан Низом асосида иш олиб борувчи, (қуйида «Истеъмолчи» деб юритилади) А.Болтабоев қуйидагилар юзасидан ушбу шартномани имзолади.

**Шартнома предмети**

- 2.1 «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни Давлат санитар эпидемиологик назорат ташкилоти томонидан назорат қилинувчи «Ичимлик
- 2.2 суви. Гигиеник талаблар ва сифат устидан назорат» стандартига мувофиқ келадиган ичимлик суви билан таъминлаш кафолатини ўз зиммасига олади. «Истеъмолчи»нинг маиший-хўжалик ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжлари учун бир ойда 32 м<sup>3</sup>, бир йилда 96 м<sup>3</sup> ичимлик сувини тариф нархларда (ҚҚС инобатга олган ҳолда) етказиб беради ҳамда оқова сувларни қабул қилиб олади. **Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 370776 (уч юз етмиш минг етти юз етмиш олти) сўмни ташкил этади.**
- 1.2. «Истеъмолчи» етказилган ичимлик суви ва оқова сувларни қабул қилиб олиш учун тўловларни «Таъминотчи»га ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга мажбур.
- 1.3. Томонлар ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сувларни чиқаришга оид ушбу шартнома шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчи»ларга амалдаги қонунчилик талаблари ҳамда сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари» Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июль №194-сон Қарори билан тасдиқланган, риоя қилиш(кейинчалик матинда – қоидалар деб юритилади)га ўз зиммаларига оладилар.
- 1.4. Ушбу шартномани имзоланиш вақтида «Истеъмолчи»нинг ичимлик суви қувурларига уланган субистеъмолчилар (шахар ва туман Электр таъминоти қорхоналари ва уларнинг подстанциялари)нинг руйхати, манзили, фаолият тури ва улар томонидан истеъмол қилиниши учун талаб қилинадиган ичимлик сув истеъмоли ва оқова сув ташлаш ҳажм миқдор (лимит)лари, ичимлик сув тармоқларига урнатилган сув ҳисоблагичлар ва уларнинг техник курсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилаши шарт.

**3. Умумий ҳолатлар**

- 2.1. Яшил майдон ва кўчатларни белгиланган муддатлардан бошқа вақтда ичимлик суви билан сугориш, ховлилар ва йўлақларга сув сениш, автомашиналарни ювиш - қатъиян ман этилади.
- 2.2. Ичимлик суви талаб этилмайдиган технологик жараёнларни амалга ошириш учун ичимлик сувидан фойдаланиш, истисно тарзида, «Таъминотчи»нинг махсус рухсати билангина амалга оширилади.
- 2.3. Асосий «Истеъмолчи»нинг тармоқларидан сув олаётган ва унинг оқова сув тармоқларига оқова сув чиқараётган субистеъмолчилар «Истеъмолчиларга ичимлик сувини етказиб бериш ва оқова сувларни чиқариш хизматлари» тўғрисидаги амалдаги Қоидаларга мувофиқ «Истеъмолчи» билан шартнома тузади.
- 2.4. Қискартирувчи мослама ҳисоби ва сув ўлчаш асбоби, аввал, «Ў.Дав.Стандарт» Агентлигида экспертизадан ва рўйхатдан ўтказилиб, сўнг «Таъминотчи» томонидан қайд этилади.
- 2.5. «Истеъмолчи»ларда ўрнатиладиган сув ҳисоблагич шартли ўтказмаси (калибри)нинг диаметри ҳисоб-китоб билан аниқланади, объектнинг максимал ва минимал сув истеъмоли текширилади ҳамда «Таъминотчи» билан келишилади. «Истеъмолчи»ларда суви ҳисобга олиш асбобларининг ишлаши назорат қилинганда, ўлчовларнинг техник тавсифномасида йўл қўйиладиган минимал чегарадан кам миқдорда сув истеъмол қилинган тақдирда «Таъминотчи» сув ўлчаш узелини амалда сарфланаётган сув ҳажмига мос, кичикроқ диаметрдаги асбобга қайта жиҳозлашга кўрсатма беради. Бу кўрсатма бажарилмаган тақдирда сув ўлчаш асбоби кўрсаткичлари ҳисобга олинмайди ва сувдан фойдаланиш ва оқова сувларни чиқариш учун тўловлар Қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.
- 2.6. Ичимлик ва оқова сув хўжалигини реконструкция қилиш, ичимлик суви янги тармоқларини ишга тушириш, сув ўлчаш асбобларини янгиларига алмаштириш, янги субистеъмолчиларни қўшиш каби ишлар «Истеъмолчи»нинг талабномаси асосида, ИСКТХ томонидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида барча зарурий ҳужжатлар тақдим қилинган ҳолда амалга оширилади. «Истеъмолчи»нинг буюртмасига кўра ИСКТХ қорхонасидан олинган уланиш техник шартлари асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан барча амалдаги метёрий ҳужжатлар, тартиб-қоидаларга таяниб, уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.
- 2.7. Қурилган уланмалар ИСКТХ қорхонаси томонидан, «Истеъмолчи» ва қурувчи ташкилот вакили иштирокида ишга туширилиб, фойдаланишга топширилади.
- 2.8. Ичимлик ва оқова сув тўловларига нарх-наво ўзгарган тақдирда янги ўрнатилган тариф бўйича тўловлар амалга оширилади.
- 2.9. Лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, «Таъминотчи» томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади

**3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқи**

- «Таъминотчи» дан, унинг билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова суви чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига хавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- «Таъминотчи»дан суви ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш, уларни белгиланган тартибда ва муддатларда назоратдан ўтказишни «Истеъмолчи» маблағи ҳисобидан талаб қилиш;
- тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи»дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- «Таъминотчи»ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова суви чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;
- «Таъминотчи»дан ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи»дан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- "Давсанэпидназорат" органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сув билан таъминланмаганлиги (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.



### 3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

Шартнома шартларини бажариш.

Ўзларининг ҳудудида ва тасарруфида бўлган коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқлари ҳамда қурилмаларининг зарур даражада қўриқланишини таъминлаш, уларнинг бузилиши, сув босиши ва музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқларнинг қопқоғини муз ва қордан тозалаш, «Таъминотчи» томонидан ўрнатилган пломбаларнинг сақланишини назорат қилиш, ер усти сув оқимларининг қудуқлар ёнидан окизиб юборилишини таъминлаш, ёнғин гидрантларига кириб бориш йўлаklarини тирбанд қилмаслик, ёнғин гидрантлари кўрсаткичларининг ишга яроқлилигини кузатиб бориш;

турли предмет ва материалларнинг уюм бўлиб сақланишига, шунингдек «Истеъмолчи»нинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ичимлик сув, канализация тармоқлари ва қурилмалари устида ҳамда ичимлик сув ва канализация ташқи жойлашувда бўлган (кўчада ва квартал ичида) ерларда бирор-бир иншоотларни қуришга йўл қўймаслик. Амалдаги тармоқларда ўзбошимчалик билан қурилган иншоотларда авария содир бўлган тақдирда етказилган зарар учун жавобгарлик қондани бузганнинг зиммасига юкланади;

транзит коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлар ва қурилмалардаги ўзлари аниқлашган носозликлар ёки шикастланишлар ҳақида «Таъминотчи» га зудлик билан хабар бериш;

сувни ҳисобга олиш асбобларида яққол кўриниб турган носозликлар аниқланганда қайд этувчи алоқа воситалари орқали (хат, факс, эл.почта орқали) зудлик билан «Таъминотчи»га хабар бериш;

«Таъминотчи» билан тузилган шартнома доирасидаги мажбуриятларини бажариш, жорий ойнинг 23-25-санасида сувни ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини тўғри ва ўз вақтида қайд қилиб бориш, жорий ойнинг сўнги санасигача «Таъминотчи»га кўрсаткич – маълумотларни қайд этувчи алоқа воситалари (хат орқали – тақдим қилиш, факс ёхуд эл.почта) ёрдамида тақдим этиш ва тўловларни амалга ошириш;

сув сарфи ва оқова сувлар окизилишининг шартномада белгиланган ҳажмлардан ошириб юборилишига йўл қўймаслик;

«Истеъмолчи»га қарашли ва у хизмат кўрсатиши лозим бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлар ва қурилмалардан техник жиҳатдан самарали фойдаланишни таъминлаш;

ишлаб чиқариш оқова сувларидаги ифлосланиш концентрациясини нормативдаги меъёрларгача етказган ҳолда олдиндан тозаланишини таъминлаш;

канализация тармоғига окизиладиган оқова сувлар сифати бўйича мониторинг ўрнатиш;

«Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган сув ўлчаш узели, коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқларида олиб бориладиган барча турдаги ишларни бажаришга бегона шахсларни киритмаслик;

«Таъминотчи» вакилининг иштирокисиз қудуқлар (камералар) қопқоғини очишга рухсат бермаслик;

коммунал дренаж тизими мавжуд бўлган ҳолатларда «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган коммунал канализация тармоқларига ёмғир ва эриган қор сувларининг рухсат этилмаган ҳолда окизилишига йўл қўймаслик. Мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда «Таъминотчи» вакили, белгиланган тартибда, «Истеъмолчи»га нисбатан жавобгарлик чораларини белгилаш учун асос бўладиган далолатномани тузади;

Сув таъминоти ва канализация тизими иншоотларини шикастлаган корхона ва ташкилотлар бу ҳақда зудлик билан «Таъминотчи»ни хабардор қилиши, «Таъминотчи»нинг техник назорати остида шикастланишларни ўз кучлари билан бартараф этиши, мазкур шикастланишлар оқибатида юзага келган зарарларни қоплаши ва бузилишлар оқибатида йўқотилган сув қийматини «Таъминотчи»га тўлаши шарт.

## 5. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 4.1. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

«Таъминотчи», «Истеъмолчи»ни 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларни қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

«Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» талаблари «Истеъмолчи» томонидан бажарилмаганда;

«Таъминотчи» мансабдор шахси «Истеъмолчи»нинг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик сув ва канализация тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда «Истеъмолчи» томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

«Таъминотчи» томонидан «Истеъмолчи» уланган ичимлик сув ва канализация тармоқлари ва қурилмаларида режали-огоҳлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек янги «Истеъмолчи»ларни улаш ишлари амалга оширилганда;

«Истеъмолчи» тасарруфида бўлган сув таъминоти ва канализация тизимлари ёки тармоқларига субистеъмолчиларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;

«Истеъмолчи» томонидан сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

«Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқларига, қурилмаларига «Таъминотчи»дан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субистеъмолчиларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;

«Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у окизилаётган оқова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

«Таъминотчи» томонидан электр таъминотнинг тўхтатилиши

Фавқулодда ҳолат

Авария

Ёнғин бўлган ҳудудларига сув таъминотини кўпайтириш лозим бўлган ҳолатларда.

### 4.2. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари

сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

сув таъминоти узлуксизлигини таъминлаш;

«Истеъмолчи»ларнинг коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш тизимларига уланган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда «Истеъмолчи»ларга амалий ёрдам кўрсатиш;

«Истеъмолчи»лардаги сувнинг беҳуда оқиб кетиши ва оқилона фойдаланилмаётганлик ҳолатларини аниқлаш, сув бериш ва ундан фойдаланишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишда назорат қилиш;

«Истеъмолчи»ларга (ўз маблағлари ҳисобидан) сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларини ўрнатиш белгиланган тартиб ва муддатларда уларни назоратдан ўтказиб туриш;

кўпи билан бир ойда бир марта «Истеъмолчи»ларнинг ичимлик сув ва канализацияхўжаликларини назоратдан ўтказиб туриш (сувни



хисобга олиш индивидуал асбобларининг ишлаши ва пломбалари бутлигини кўздан кечириш, кўрсаткичларини ёзиб бориш), назорат юзасидан тегишли далолатномалар тузиш;

шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда «Истеъмолчи»га пеня тўлаш;  
ичимлик сувни истеъмол қилишга доир амалдаги ва янги жорий қилинган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар билан «Истеъмолчи»ларни алоқа воситалари орқали хабардор қилиш;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёки бошқа алоқа воситалари ёрдамида «Истеъмолчи»ларни хабардор қилиш;  
ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни «Истеъмолчи»ларга бепул тақдим этиш;

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, таъминотчи шу туфайли етказилган зарарнинг, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

5.2. «Истеъмолчи» қуйидагилар юзасидан жавобгар:

«Таъминотчи» билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш асбоби, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақланиши учун;

Сув қувурига ўзбошимчалик билан уланган, совуқ сувни ҳисобга олиш асбобларининг бузилишига атайлаб йўл қўйган, шунингдек кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида ҳисобга олиш асбобларига ташқаридан аралашган ҳолда.

Конунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда.

5.3. Таъминотчи қуйидагилар юзасидан жавобгардир:

«Истеъмолчи»ларга меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар ҳамда конунчилик асослари ва шартномада кўрсатилган талабларга мувофиқ сифатли ичимлик сув етказиб бериш;

«Истеъмолчи»ларга ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларига уланиш учун ўз вақтида, қонуний асосланган техник шартларни тақдим этиш;

«Истеъмолчи»нинг ҳаёти, соғлиғи, мулкига етказилган моддий ва маънавий зарар учун конунчиликда кўрсатилган тартибда жавоб бериш;

юклатилган мажбуриятларни ва шартнома шартларини бажармаган ҳолда конунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда.

## 6. Ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари учун тўловлар тартиби

6.1. «Таъминотчи»нинг коммунал сув таъминоти тармоғидан етказиб берилган (ёки қабул қилинган) ичимлик суви ҳисоби, сув ўлчаш мосламалари мавжуд бўлган ҳолатларда, уларнинг кўрсаткичлари асосида, амалдаги тарифларга кўра, ҚҚСни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

6.2. «Истеъмолчи»ларнинг коммунал канализация тизимига чиқариладиган оқова сувлари миқдори коммунал сув таъминоти тизимидан сарфланган сув миқдорига тенг деб қабул қилинади. Марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолатларда фойдаланилган совуқ сув учун 2,0 коэффициентдан ошмаган ҳолда куллаш орқали ҳисобланади. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқизиш ҳажми ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати (ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари) бўйича аниқланади. «Истеъмолчи»га қараши бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши керак.

## 7. Алоҳида шартлар.

7.1. Объект эгаси ўзгарганда «Истеъмолчи» чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда «Таъминотчи» билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

7.2. Истеъмолчининг ёзма равишдаги хатга асосан ичимлик суви ва канализация тармоғи хужалигидага барча ўзгаришлар тўғрисида хабарлар хат берилган кундан бошлаб инобатга олинади.

7.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда:  $M$  – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

$F$  – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)  $m^2$ ;

$g$  – 9,81  $m/сек.га$  тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$t$  – вақт, 24 соат, секундларда.

### Қуйидаги ҳолатларда:

7.3.1. «Истеъмолчи»нинг сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

7.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

7.3.3. Ичимлик сувидан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

7.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган, бириктирув ёки ДНК мухрлари узилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу Шартнома 7 қисмининг 7.3. бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

7.3.5. «Истеъмолчи»нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларида сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

7.3.6. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

7.3.7. Сув ўлчаш асбобини давлат назоратидан ўтказиш муддатлари (икки йилда ёки электрон акустик сув ҳисоблагичлар бир марта)га амал қилинмаганда;

7.3.8. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китоб олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламга руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик суви соф сарфини аниқлаш имкониятини чегараланганда;

7.3.9. Сув ўлчаш асбобининг кўрсаткичлари «Таъминотчи»га ҳисоб-китоблар учун белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда;

7.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, «Таъминотчи» вакили томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га



етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

тўлов муддати, энг сўнги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

7.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойиҳалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолларда «Таъминотчи» томонидан сув таъминотини тухтатиш учун асос бўлади.

7.6. «Истеъмолчи» коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан ҳоким қарори, кадастр ҳужжатлари ва шу қабиляр асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

7.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида, уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кун муддат ичида, акцепсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир кун учун 0,4% пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%идан ошмаслиги лозим.

7.8. «Истеъмолчи»нинг ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим кассалари орқали, ҳисобот давридан кейинги 30 кун муддат ичида тўланади.

7.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 50% дан кам бўлмаган миқдорда аввалдан тўловлар(предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Борди-ю, «Истеъмолчи» икки ҳафта ичида тўловларни амалга оширмаса, «Таъминотчи» ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чиқариб юборишни қарзларни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади.

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқова сувларини шаҳарлар ва «Истеъмолчи» лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортқича оқизилганлиги учун истемолчиларга белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

7.10. Ҳисоб-китобларнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобга олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

## 8. Форс-мажор

8.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда, томонлар олдиндан билишлари ёки олдини олишлари мумкин бўлмаган фавқулодда ҳодисалар туфайли юзага келган енгилмас таъсирлар сабаб бўлиши мумкин. Кўчки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий ҳагги-ҳаракат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликларига узрли сабаб сифатида эътироф этилади.

## 9. Низоларни ҳал қилиш тартиби

9.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишув қарор топмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан белгиланган тартибда суд орқали ҳал қилинади.

9.2. Ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқса, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## 10. Шартноманинг амал қилиш муддатлари

10.1. Ушбу Шартнома икки нусхада тайёрланган бўлиб, ҳар иккала томонда бир дона нусхадан сақланади.

10.2. Шартнома, имзоланган кундан 5 йил муддат давомида ҳақиқий ҳисобланади. Зарур ҳолатларда шартнома узайтирилиши ҳам мумкин, бунда томонлардан бири шартноманинг амал қилиш муддатини вақтидан аввал тўхтатмаган, «Истеъмолчи» шартнома муддати тугашидан 15 кун аввал «Таъминотчи»ни огоҳлантирган ва шу вақтгача ичимлик сувини етказиб бериш ва канализация хизматлари ҳақини тўлиқ тўлаб қўйган бўлиши лозим.

## 11. Томонларнинг юридик манзили:

### «Таъминотчи»

«Наманган сув таъминоти» МЧЖ  
Чортоқ туман бўлими  
Тел: +99869 41-21-531  
Х/р: 22638000900306912379

Наманган Ипотека банки  
МФО 00223 СТИР 200048456  
ХХТУТ 90200



М.У. Давлатов


«27» январь 2022 й.

### «Истеъмолчи»

Чортоқ туман маданият бўлими  
Чортоқ шаҳар Истиклол кучаси  
ТЕЛ 694122869  
Х/р: 100022860142367082310056001

МФО 00014 СТИР-202325972

Марказий банк



«27» январь 2022 й.

М.У.

## Юридик ҳулоса:

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик субъектларининг шартнома-ҳуқуқ базаси» Қонуни талабларига мувофиқ келади.

Юрист М.Холикова

2022 й.



GS78420118

## Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarni qonun hujjatlariga muvofiqligi to`g`risida huquqiy xulosa

**1. Loyihaning turi:** shartnoma

**2. Loyihaning nomi:**

Chortoq tumani Madaniyat bo`limi nomidan nizom asosida ish ko`ruvchi A.Boltaboyev bir tomondan va "Namangan suv taminot" MCHJ nomidan rahbar J.Davlatov ikkinchi tomondan mazkur xizmat ko`rsatish shartnomasini tuzishgan.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:**

Chortoq tumani madaniyat bo`limi tomonidan 2022-yil 27-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



S. Satimov



“Наманган сүв таъминоти” МЧЖ ўртасида Чорток туман маданият бўлими

№ 02/30 сонли шартнома

Илова

Бўлим 7082	БОБ 310	ПАРАГРАФ 056	
ойлар	миқдор	нархи	суммаси
январь	32	3862,25	123592
февраль	32	3862,25	123592
март	32	3862,25	123592
I-чорак	96		370776
апрель			
май			
июнь			
II-чорак	0		0
июль			
август			
сентябрь			
III-чорак	0		0
октябрь			
ноябрь			
декабрь			
VI-чорак	0		0
хаммаси	96		370776

Шартноманинг йиллик миқдори 96 умумий суммаси 370 776 минг сўм

“Таъминотчи”

“Наманган сүв таъминоти” МЧЖ

Манзил Чорток шаҳар Уйчи кўчаси

ХР 22638000900306912379

ИНН 200048456 МФО 00223

Банк Наманган Ипотека банки

Раҳбар



Ж.Давлатов

“Истеъмолчи”

Чорток туман маданият бўлими

Манзил Чорток шаҳар истиқлол кўчаси

ХР 100022860142367082310056001

ИНН 202325972 МФО 00014



Раҳбар

А.Болтабоев